

Изох:

1. Ўқув режасига қўшимча киритиладиган модуллар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида амалга оширилади.
2. Мазкур ўқув режа асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналишидан келиб чиқиб ишчи ўқув режа тузилади ва таянч олий таълим муассасасининг Кенгашида тасдиқланади. Бунда таянч олий таълим муассасасига ҳафталик ўқув юкласини сақлаган ҳолда модуллар ҳажмини 5% гача ўзгартириш ҳуқуқи берилади.
3. Амалий хорижий тил модули бўйича амалий машғулотлар иккита кичик гуруҳларга бўлиб ўқитилади (ҳар бир кичик гуруҳда камида 10-15 нафаргача тингловчилар бўлиши шарти билан).
4. Машғулотлар муаммоли маъруза, семинар-тренинг, давра суҳбати, мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ҳамда бошқа интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда олиб борилади.
5. Кўчма машғулотлар олий таълим муассасалари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа корхона ва ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасаларида ташкил этилади.
6. Мустақил малака оширишда таълим даражаси ва сифатига қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ янги билимлар, малака ва кўникмалар педагог кадрлар томонидан мустақил ўзлаштирилади, ўзини-ўзи касбий ривожлантиради.
7. Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиога қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини химоя қилиш асосида ўтказилади.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашида маъқуланган.
2019 йил « 18 » 10 даги 5 -сонли баённома.**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Ф.Т.Эсонбобоев

Олий таълим тизими раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази директори

Т.Т.Шоймардонов

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "АКТ соҳасида илмий тадқиқотларни ва кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштириш бўлими" бошлиғи

С.А.Абдуқаюмов

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари Университети ректори

Т.З.Тешабаев

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ хузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази директори

Ф.М.Закирова